

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ

Салоҳитдинов Шерзод Фарҳодович

Жиззах политехника институти

Эркин тадқиқотчи

Кузмина Светлана Николаевна

Санкт-Петербург давлат электротехника университети

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Аннотация: Мақолада таълим хизматларининг қамров кўлами ҳамда сифат жиҳатидан ўзгариши «инсон омили»дан фойдаланишда янги босқичга ўтишни намоён этиб, бу кўплаб мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланишида асосий омил бўлиб хизмат қилиши акс этган

Калит сўзлар: демографик жараёнлар, инновация, илм-фан, таълим, инновацион фикрлаш, таълим жараёни, демографик таҳлил, касбий компетентлик.

Abstract: The article shows that the change in the scope and quality of educational services represents a transition to a new stage in the use of the "human factor", which serves as the main factor in the development of the economy of many countries.

Key words: State educational standards personnel news, personnel innovations, development of the personnel system, demographic analysis, regression of the personnel system.

Жаҳонда таълим хизматларининг қамров кўлами ҳамда сифат жиҳатидан ўзгариши «инсон омили»дан фойдаланишда янги босқичга ўтишни намоён этиб, бу кўплаб мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланишида асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Жамият ҳаётини янгиловчи илмий-технологик тараққиётнинг жадал ўсиши таълим хизматларининг индивидуаллашуви, тор

соҳалар бўйича ихтисослашуви ҳамда кўрсатилаётган таълим хизматлари сифатининг буюртмачилар талаби асосида ортиб бориши мазкур ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда юз бермоқда.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, “2020 йилда жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 19 фоизига тенг миқдордаги маблағ таълимнинг барча босқичларини молиялаштириш учун йўналтирилган”¹. Бундан кўринадики, таълим хизматлари сифати ва самарадорлигини оширишда меҳнат бозори ва кадрлар тайёрлаш тизимининг ташкилий-иктисодий механизмларини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Сўнгги даврда жаҳон мамлакатларида ҳудудлар иқтисодиёти ўртасидаги номутаносибликлар кучайиб бормоқда. Илгор мамлакатларда ахоли жон бошига тўғри келувчи реал ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми бўйича ривожланиш даражаси жиҳатидан энг юқори ва энг паст 10 фоизликка кирувчи ҳудудлар ўртасидаги ўртacha тафовут ортиб бориб, охирги ўн йилликда 1,7 мартани, ривожланаётган мамлакатларда эса ушбу тафовут айтилган даврда 3,2 мартани ташкил этган. Баъзан иқтисодий салоҳият бўйича мамлакатлар ичидаги ҳудудлар ўртасидаги фарқ мамлакатлар ўртасидаги фарқдан катта бўлмоқда².

Олий таълим хизматлари бозорини ривожланиши ва меҳнат бозори билан ўзаро боғлиқлиги нафақат у олий таълимга эга бўлган мутахассисларга тўланадиган иш хақига балки ишлаб чиқариш корхоналарида яратилган ишлаб чиқариш инфратузилмаларига, уларни келажакда мансаб даражаларида ривожланиши кафолатланишига ҳамда меҳнат қилиш учун зарур муҳит шароитларни борлигига боғлиқ. Ш.Ш.Зоҳидованинг фикрича “таълим хизматлари ва меҳнат бозорлари алоқалари тизимининг ажралмас қисмлари ҳисобланади”³ деб таъкидлайди. Меҳнат бозори билан олий таълим

¹¹<https://diatatopics.worldbank.org>.

²²<https://diatatopics.worldbank.org>.<https://blogs.imf.org/2019/10/09/widening-gaps-regional-inequality-within-advanced-economies/>

³⁴Захидова Ш.Ш. Олий таълим хизматлари бозорининг амал қилиш механизми самарадорлигини ошириш (Ўзбекистон материаллари асосида). и.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2012. - Б. 27 б

хизматлари бозорлари ўртасидаги муносабат олий таълим бозори талабларини эътиборга олган олий таълим хизматлари тизими томонидан тайёрланган олий малакали мутахассисларга бўлган жами таклифга боғлик. Олий таълим хизматлари тизимида тайёрланган олий малакали мутахассислар ва иқтисодий фаолликда банд бўлган олий малакали мутахассислар олий таълим бозорида жами таклифни ифодаласа жами талаб олий малакали мутахассисларга бўлган талаб ифода этади. Бу қуидаги 1-чизмада кўриниши мумкин.

Мехнат бозори

Олий таълим хизматлари бозори

Олий маълумотли мутахассисларга
бўлган таклиф

Олий маълумотли мутахассисларга
бўлган талаб
камайтириш

Олий таълим хизматлари тизими
бандликни таъминлаш

Талаб ва таклиф

1-расм. Умумлашган меҳнат ва олий таълим хизматлари бозоридаги талаб ва таклиф

Бозор механизми ҳарақати ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ишчи ва олий малакали мутахассисларни таълим хизматлари тизими асосида тайёрлаб бериш, мавжуд ортиқча бўлган олий маълумотли мутахассисларни иш жойлари билан таъминлаш вазифаларини амалга оширади. Бозор механизмини яна бир йўналиши меҳнат бозорида ишчи кучига олий маълумотли мутахассисларга бўлган талаб ва таклиф конъюнктурасини ташкил топишидир.

Меҳнат бозорини ривожлантириш таълим тизимидағи меҳнат бозори ва уни бошқариш даражасига боғлик бўлиб, қуида келтириладиган омиллар бу жараёнга таъсир кўрсатади:

- билимнинг асосий капитал мақомини олганлиги;
- таълим соҳасмида давлат ролининг ўзгарганлиги;

- ахборот технологияларининг ривожланганлиги.

Бу муаммони ҳал этишнинг бирдан-бир йўли фикримизча, уларни моддий рағбатлантиришни ўзаро мувофиқлаштириш асосида меҳнат ва олий таълим бозорида ижтимоий ҳамкор субъектлар тариқасида фаолият олиб бориши учун зарур бўлган механизмни шакллантириш деб қараш лозим. Ижтимоий муносабатларни бозор иқтисодиёти шароитида турли мулкчилик шаклларига асосланган ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат ва олий таълим хизматлари бозорида меҳнат қилишга лаёқатли ишчи кучларини тақсимлаш, бандлигини таъминлаш ва уларни ўзаро боғлиқлиги ва умумий тақсимотга ва меҳнат тақсимотига таъсири ишчи кучи бандлигининг энг асосий боғловчи қисмидир.

Муаммони ҳал этишда давлат, ёлланиб ишловчилар ва ижтимоий ҳимояга муҳтожлар фикр ва мулоҳазаларидан келиб чиқсан ҳолда умумий хулосаларга келиш асосида ҳал этиш зарур. Тўғри бозор иқтисодиётини давлат ва нодавлат мулкчилиги шароитида эркинлаштирилган ва эркин рақобатга асосланган фуқаролар жамиятини қуарар эканмиз бу муаммони биргаликда умум хулосада амалга оширилиши зарур, акс ҳолда бу муаммони ҳал этиш жавобсиз қолиши мумкин. Бу муаммони амалга оширишда меҳнат ва олий таълим бозори тааллуқли барча субъектлар давлатнинг бош ислоҳотчи эканлигини тан олган ҳолда биргаликда уни ҳал этиш мақсадига эришиш мумкин.

Бизнинг фикримизча худудларни ривожлантиришнинг олий малакали кадрлар билан боғлиқ жиҳатларига, муҳим тавсияларга алоҳида эътибор қаратишни лозим ва бу қўйидагилардан иборат:

1. Худудларнинг иқтисодий ва меҳнат потенциалига мос кадрларга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш тизимини жорий этиш лозим.
2. Эркин иқтисодий худудларда хорижий таълимнинг барча бўғинларини очишга рухсат бериш ва шу асосда таълимни рақобатдошлигини таъминлашнинг маҳаллий муҳитини шакллантириш лозим (яъни, мактабгача таълим, мактаб таълими, ўрта таълим ва олий

таълим бўйича хорижий таълим муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш ва уларга рухсатномалар бериш).

3. Олий таълимнинг МДХ давлатлари ёки Шанхай хамкорлик ташкилотлари учун босқичма босқич ягона таълим келишувларига ўтиш орқали худудий имкониятларни ошириш лозим.

4. Олий таълимнинг хусусий бўғинларини ташкил этиш ва уларда таълим сифатини назорат қилишнинг мухим нормаларини белгилаш.

5. Олий таълим битиравчиларининг худудлар бўйича меҳнат тақсимоти билан шуғулланувчи маҳсус ваколатли жамоат фондларини ташкил этиш;

6. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини жадаллаштириш юзасидан худудларда маҳсус фондларни ташкил этиш ва уларнинг маблағларини шакллантиришни тартибларини белгилаш лозим.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020.24.01. <https://president.uz/ru/lists/view/3324>
2. Ўзбекистон Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон; 30.04.2020 й., 06/20/5987/0521-сон
3. Захидова Ш.Ш. Олий таълим хизматлари бозорининг амал қилиш механизми самарадорлигини ошириш (Ўзбекистон материаллари асосида). и.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2012. - Б. 27 б
4. Аннақулов К.Меҳнат бозорида олий таълим муассасалари битиравчилари рақобатбардошлигини ошириш. И.ф.б.ф.д (PhD) илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. Тошкент. 2023. 28 Б.
5. Салоҳитдинов, Шерзод. "Олий таълим хизматлари сифатини баҳолаш тизимининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, мазмуни ва назарий ёндашувлар." Research and implementation (2023).5.